

**ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ –  
ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИНИНГ  
МУҲИМ ОМИЛИ**

**Бозоров Зайниддин Аширович**

*Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили,  
педагогика, психология кафедраси ўқитувчиси, Ўзбекистан*

**Аннотация:** *Мақолада мамлакатимизда устувор йўналиш саналган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларида бири, фуқаролик маданиятини ривожлантиришда асосий эҳтиёж ва қизиқишларнинг муҳим ўрни ҳақида фикр юритилган. Талаба – ёшларнинг шахс сифатида шаклланишида бу омиллarning тутган ўрнига изоҳ берилган .*

**Калит сўзлар:** *таълим тизими; мотив; педагогика; психология; фанлараро боғлиқлик; алоқадорлик; технология; ижтимоийлашув; тафаккур; жамият; қонуният; фуқаролик маданияти.*

Инсон ривожланишининг мотивациясида ижтимоий фаоллик унинг мафкурага, ҳуқуқ ва ахлоққа муносабати ёрқин ўз ифодасини топган. Мотивлар инсон фаолиятида ва ҳар бир ҳаракатида бу муносабатлар ўз таъсирини ўтказди. Бу эса инсон маънавияти ривожланишининг мотивациясида жуда муҳим моҳият касб этади.

Маълумки, мустақил жамиятимизда ижтимоий ахлоқ ва ҳуқуқ фуқароларнинг хулқ-атвор ва ҳаракатларининг объектив мазмунини белгилайди. Ижтимоий ахлоқ- меъёр ҳаракатларининг ташқи кўриниши бўлиб, ички интилиш мотивларига мос келмаганда ҳам инсон жамият ахлоқий меъёрларининг объектив мазмунидан келиб чиқади. Инсон ижтимоий – моҳиятли ахлоқий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз шахсий қизиқиш-интилишларини жамият манфаатларига мослаштиради. Инсоннинг бундай ҳаракатлари унинг жамият, халқ олдидаги бурчи ва масъулиятидан келиб чиқади. Масалан, ёшларни тадбиркорлик ишларига жалб қилишни олайлик. Улар бу фаолиятларини халқ, Ватан, жамият олдидаги бурчи деб қабул қилишлари керак. Ўз қизиқишларидан воз кечиб, шахсий манфаатини умумжамият манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу ижтимоий бурчни чуқур анғалаганини ифодалайдики, бу ижтимоий мақсадни ҳам барча ёшларимизда сингдириш лозим бўлади.

Инсон яшаш жараёнида ташқи оламдаги нарсаларга ва бошқа кишига эҳтиёж сезади. Эҳтиёжлар: биологик ва ижтимоий йўналиш касб этади. Биологик омилар асосан организмнинг соф физиологик эҳтиёжлари ҳамда бошқа жинсга мансуб кишига интилишидан иборатдир. Ижтимоий эҳтиёжлар: маънавий-маданий бўлиб, билиш, интеллектуал талабларни қондиришни;

эстетик дидни, ахлоқий жиҳатлар ҳамда кишиларнинг ўзаро муносабатларидан иборат. Эҳтиёжларнинг қондирилиши шахс фаолиятининг мотивларига, унинг фуқаролик маданиятининг ривожланганлик даражасига ҳамда фаолиятининг йўналганлиги, эътиқоди ва идеалларига боғлиқ бўлади. Шу маънода эҳтиёжлар шахснинг бирор бир мақсадни кўзлаши, қизиқиш ва интилишлари, майл ва атрофдаги (ташқи олам) нарсаларга зарурат сезиши тариқасида шахс фаолиятини ҳаракатга келтиради ва фаолиятида намоён бўлади. Шуларни эътиборга олган ҳолда инсонларнинг фаолиятига қараб, уларда фуқаролик маданияти шаклланганлигини қайд этиш мумкин.

Талабалар фаолиятини, эҳтиёжларини, қизиқишларини тўғри йўналтириш, фуқаролик онгини шакллантириш талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришга эришилишига олиб келади. Қизиқиш ва майллар ёшларнинг эмоционал ҳаёти билан маҳкам боғланган ва улар ўзаро боғлиқликда шахс фаоллигини таъминлаб, мақсад сари интилишининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Эҳтиёж асосида вужудга келадиган қизиқишлар моддий ва маънавий бўлади. Инсон фаолиятида пайдо бўлган қизиқишни қондириш янги қизиқишларни келтириб чиқариб, фаолиятни янги ҳаракатларга ундайди. Бу талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш жараёнига ёндашишнинг ўзига хос психологик хусусиятлари деб айтиш мумкин.

Бунда фуқаролик маданияти киши юриш-туриши меъёрларининг йиғиндиси тарзида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда образ тарзида инсон характеридаги қимматли, эътиборга молик хусусиятларни ўзида мужассамлаштириб намуна, ибрат сифатида хизмат қилади. Фуқаролик маданияти инсондаги хусусиятлар ёки ундаги мавжуд хулқ-атвор меъёрлари тариқасида эмас, балки унга етишмайдиган ёки у хоҳлаган, истаган ўзини қандай тарзда кўрмоқчилигини ифодалайди. Инсоннинг фуқаролик маданияти келажакка йўғрилган, эришиши лозим бўлган намунадир. Инсонлар ёки алоҳида бир кишидаги энг яхши хусусиятлар сифатида шахсни ёки бутун жамиятни ривожланиши, такомиллашувига таъсир қилади ва шу жиҳатидан уларни йўналтиради.

Уларнинг яна бир психологик хусусияти шундаки, талабаларда ўз-ўзини тартибга солиш ва ирода механизмларининг ўз-ўзини бошқара олиш тузилмасидан иборатлигидир. Бу тузилмани қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин.

Шахсий йўналганлик – талабанинг бўлажак касбини эгаллаш йўлидаги қатъий ҳаракатлар ва фаолиятининг йиғиндисини ташкил этиб, у талаба шахсининг маънавий-ахлоқий етуклик, қизиқишлар, ижтимоий режаси, эътиқоди, дунёқараши, идеалларини изоҳлайди.

Ўспирирликнинг иккинчи даврида қизиқишлар ўсиб бориш характерида эга бўлиб, улар нафақат талабанинг ўқув фаолиятини, балки талаба моддий ва маънавий ҳаётини қамраб олади. Шунинг учун талабанинг ижтимоий ҳаёти,

билиш фаолияти, иқтисодий ҳаётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади.

Маънавий-ахлоқий салоҳият талабанинг хулқ-атвори, ақл-заковати, мафкуравий қарашларининг субъектив омили сифатида намоён бўлиб, унинг хатти-ҳаракатларини давр талаблари асосида бўлишини таъминлайди.

Бу давр ёшлари учун эътиқоднинг мукаммаллашуви характерли ҳисобланиб, у талабаларда фуқаролик маданиятини таркиб топтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Зеро, эътиқод талабанинг ўз олдига қўйган мақсадига ишончини ифодалаб, бўлажак касбига, фан асосларини эгаллашга, ахлоқ меъёрларига риоя қилиш, оила, Ватанга бўлган садоқат, муҳаббатини мустаҳкамлайди. Зеро, эътиқодга айланган билим (назария, ғоя, таълимот) инсон амалий фаолиятини такомиллаштиришга эга кучдир. Шу нуқтаи назардан талабаларда билим олишга қизиқишни Она –Ватанга муҳаббатни, элу-юртга садоқатни, фуқаролик жамиятини барпо этишга ишончни эътиқод даражасига кўтара олган тақдирда мамлакат меҳнаткашларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришдек буюк муддаога эришиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, эҳтиёж, қизиқиш ва маданият шахснинг турли ва кўп томонлама ҳамда ягона (яхлит) йўналганлигини ташкил этиб, инсон фаолиятининг мотивацияси (ҳаракатлантирувчи кучи) тарзида намоён бўлади. Фуқаролик маданиятининг моҳияти шахс қиёфасига ҳам боғлиқдир. Қиёфа маданиятлилигининг йўналиши, характери, мазмунини белгилайди. Инсон қиёфаси унинг эҳтиёж, қизиқиш ва маданиятнинг мазмунига таъсир қилади. Инсон қиёфасининг ахлоқий поклик, ҳалоллик, олийжаноблик каби хусусиятлари эҳтиёж, қизиқиш, маданиятнинг кенглик доирасининг мазмунини белгилаб, киши шахсининг диапазонини, кенглигини ифодалайди. Инсон маънавий қиёфаси унинг эҳтиёж, қизиқиш, маданияти моҳияти ва кенглигини белгиловчи мезондир.

Қизиқишлар, эҳтиёжлар асосида олиб борилган фаолият, бирор бир натижага эришиш талабалар дунёқарашининг шаклланишига, мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларининг ҳосил бўлишига замин яратади. Дунёқараш эса, олам ва одам ҳақида яхлит тизимга айлантирган билим, ғоя, тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у талабанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳақидаги маълумотларини мустаҳкамлашга, жамиятда муносиб мавқега эга бўлишга ёрдам беради. Шу асосда талабада фуқаролик маданиятининг шаклланишига олиб келади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. “Инсон тарбия предмети” К.Д.Ушинский, 128-б.
2. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. –Т.: “Ўқитувчи” 1997, 30-31-бетлар.

3. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии, в двух томах, том 2.М.: Педагогика, 1989, с.42.
4. Bozorov, Z. A. (2020). The system of formation of civic culture among students in higher educational institutions. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 01 (81), 455-458. *Soi:* <http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-81-81> *Doi:* <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> *Scopus ASCC: 3304*
5. Бозоров.З.А. Фуқаролик жамияти – талаба-ёшларда фуқаро-лик маданиятини ривож-лантиришнинг мақсади ва асоси сифатида. Педагогик маҳорат. 2019 й. 2-сон 32-37 б.
6. Bozorov, Z. A., & Samandarova, G. Y. Ideological movement of legends and traditions in the novel “Shaytanat” by Tohir Malik. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (84), 1014-1016. *Soi:* <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-187> *Doi:* <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> *Scopus ASCC: 1208*. (2020).
7. Бозоров.З.А Тиббиет олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари. Психология. Илмий журнал. Махсус сон № 2 Бухоро-2020 й 38-43 б.
8. Bozorova G. Concerning some pleonastic and tautological constructions //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
9. Bozorova G. Tautology and pleonasm: synchronic and diachronic views //Конференции. – 2021.
10. Bozorova G. Z. Ortiqchalik tamoyilining jahon tilshunosligida organilishi // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 9. – С. 945-951.
11. Bozorova Gulmira Zayniddinovna. Distinctive features of pleonasms in political speech // International scientific-online conference: Intellectual education technological solutions and innovative digital tools. Vol. 2 No. 14 (2023): - P. 168-174.
12. Kadyrovna A. M., Zayniddinovna B. G. Description of Events Which is Near to Pleonasm //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2022. – Т. 5. – С. 281-285.
13. Samandarova G.Y. Socially conditioned meanings of paremas formed on the basis of the lexical spiritual group "insects". *Gospodarka i innowacje*. Volume: 22 | 2022. –P. 443-446.
14. Samandarova G.Y., Adizova N.I., Bozorova G.Z. Methods of Using Metaphorical, Pleonastic and Paremic Units in Uzbek Linguistics// *Resmilitaris*. Vol. 13 No. 2 (2023): Volume 13, Number 2, 2023. –P. 5560-5572
15. Samandarova, G. Y. (2021). Fundamentals of folk proverbs formed on the basis of the lexical-spiritual group of insects. *Current research journal of philological sciences*, 2(05), 39–42. <https://doi.org/10.37547/philological-crijps-02-05-11>
16. Samandarova Gulnoz Yarashovna, & Zaripova Nilufar Juma's daughter. (2023, April 1). Some characteristics of uzbek paremas' formed on the basis of the

lexical sentence group "insect" in the form of a compound sentence. International scientific conference " Innovative Trends In Science, Practice And Education", Munchen, (Germany). <https://doi.org/10.5281/zenodo.7816423>

17. Бозорова Г. З. Идейная направленность сказаний и преданий романа "Шайтанат" Тахира Малика //Молодой ученый. – 2014. – №. 9. – С. 532-534.

18. Бозорова Г. Илмий нутқда учрайдиган айрим плеонастик бирликлар таҳлили //Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 327-331.

19. Бозорова Г.З. ОАВда учрайдиган плеонастик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари // Interpretation and researches. 2023. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oavda-uchraydigan-pleonastik-birliklarning-lingvopragmatik-hususiyatlari> (дата обращения: 10.04.2023).

